Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 179 (5470)
9 АВГУСТ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

— тонгги — газеталарда

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов 7 август куни Яман Халқ Демократик Республикаси мудофаа министри бригада генерали Солих Муслим Қосимни қабул қилди.

Ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан самимий суҳбат бўлиб ўтди.

● **Узбекистоннинг мингта яқин комбайнчиси қардош Қозоғистонга жўнаб кетди. Улар ўз республикасидаги галлани ўриб бўлиб, энди бошоқли экинлар ҳосилини ўриш ва янчишни жадаллаштириш учун қўшниларига ёрдам берадилар.**

Саноат изоляцияси буюмлари тажриба экспериментал заводи коллективи серқуёш Ўзбекистонимизни и к г қутлуғ юбилейини юксак марраларни забт этиш билан қиршонлаш учун ғайрат кўрсатмоқда. Бу ерда юбилейга бағишланган социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган.

Т. КАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: автоматлаштирилган тикув бўйича бригадир Ф. Назарова; илғор ишчи И. Шиндиева; корхонанинг пешқадам фидойилари Ф. Сулаймонова, Р. Алимбекова ва Г. Зариповалар.

Автор фотолари.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

ШАҲАРДАГИ РАЙОНЛАР, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДА 1984 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ МУСОБАҚА ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети Ўзбекистон пойтахтидаги районлар, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа, шаҳар хўжалиги ташкилотлари ўртасида 1984 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги социалистик мусобақа якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг районлар ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ **Ленин районига** (район партия комитетининг секретари Ю. Асепков, район ижроия комитетининг раиси Т. Ҳайдаров, район комсомол комитетининг секретари Р. Исломов) берилди. Бу район социалистик мажбуриятларнинг анча ортиғи билан бажарилишини таъминлади, товар маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг юксак суръатларда ўсишини таъминлади.

Собир Раҳимов, Октябрь ва **Чилонзор районлари** саноат корхоналарининг яхши ишлаганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу районлар шу йилнинг январь-июнь ойлари давлат плани топшириқларини техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилишини ва шу йилнинг биринчи ярим йиллиги учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг ортиғи билан ado этилишини таъминладилар.

Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ **СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективига** (директори И. Мусин, партия ташкилотининг секретари Х. Шағиев, касаба союз комитети раиси Ф. Убайдуллаев, комсомол комитети секретари Э. Солиев) берилди. Бу коллектив асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ярим йиллик планни ado этиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстиришда юксак суръатларга эришди.

Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда камчиликлар ва нуқсонлар рўй бераётганлиги ва уларни бартараф этиш чоралари ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Бюро қарорида кўрсатиб ўтилдики, Фрунзе район партия комитети район саноат корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари коммунистларни, меҳнат коллективларини партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажаришга сафарбар этиш бўйича бирмунча ишларни амалга оширмоқдалар, уларнинг куч ва ғайратини меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашга сафарбар этиш бўйича иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюроси партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари талаблари асосида Фрунзе район партия комитетининг меҳнат коллективларини меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини пасайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланилишини яхшилашга қаратмоқдалар.

Айни пайтда, Фрунзе район партия комитети, унинг бюроси ва бўлимларининг иш услуби ва методлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талабларига жавоб бермайди. Районнинг катта иқтисодий потенциалидан фойдаланишда, меҳнат, план ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда камчиликлар ва нуқсонлар рўй бераётганлиги ва уларни бартараф этиш чоралари ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Бюро қарорида кўрсатиб ўтилдики, Фрунзе район партия комитети район саноат корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари коммунистларни, меҳнат коллективларини партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари талабларини ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талабларига жавоб бермайди. Районнинг катта иқтисодий потенциалидан фойдаланишда, меҳнат, план ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда камчиликлар ва нуқсонлар рўй бераётганлиги ва уларни бартараф этиш чоралари ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг шаҳардаги транспорт, ва алоқа корхоналари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ **Тошкент почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармаси коллективига** (бошлиғи Т. Назаржонов, партия ташкилотининг секретари И. Зельцер, касаба союз комитетининг раиси К. Батманова, комсомол комитетининг секретари Л. Дворова) берилди. Бу коллектив асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ярим йиллик планни ва ишлаб чиқариш ҳажмини бажаришни таъминлади.

Мусобақадош районлар ўртасида 1984 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича қуйидагилар социалистик мусобақа ғолиби деб топилди: Киров ва Собир Раҳимов районлари ўртасида — **Собир Раҳимов районы**; Акмал Икромов ва Сергели районлари ўртасида — **Акмал Икромов районы**; Ленин ва Фрунзе районлари ўртасида — **Ленин районы**; Октябрь ва Чилонзор районлари ўртасида — **Октябрь районы**; Ҳамза ва Куйбишев районлари ўртасида — **Ҳамза районы**.

Район партия комитетларига, район ижроия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, корхона ва ташкилотларнинг хўжалик раҳбарларига 1984 йилнинг биринчи ярим йилидаги социалистик мусобақа якунларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш, 1984 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик учун қабул қилинган давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган конкрет чора ва тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди.

Шаҳар Ҳурмат тахтасига 52 саноат корхонаси, қурилиш индустрияси, транспорт, алоқа, қурилиш-монтаж ва лойиҳа ташкилотлари, шаҳар хўжалиги ташкилотлари коллективлари ёзилди.

● САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

ПАХТАКОРЛАРГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи залларида турли мавзуларда бадиий асарлар намойиш этилмоқда. Республика тасвирий санъати бўлими залларининг бирида пахтачилик мавзуида биринчилардан бўлиб полотнолар яратган рассом А. Волковнинг «Пахтакорлар», «Пахта теримида» асарлари намойиш этилаётир. Рассом полотноларида халқимизнинг пахтага бўлган меҳри, иродаси, Улуғ Ватан уруши йилларидаги шарафли меҳнати ҳаётий ўз ифодасини топган.

Кейинчалик, шу рассомнинг шогирди, Республиканинг хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Фадеев «Биринчи пахта—советларга» деб номланган йирик асарини ниҳоясига етказди. Рассом, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилгандан сўнг, етиштирилган пахта қизил карвонини тасвирлашга муваффақ бўлган. Тасвирда бирорта машина кўринмайди. От-арава, туяларга ортилган «оқ олтин» карвонини кўрамиз.

Йиллар ўтган сари пахта мавзуида рассомлар З. Иноғомованинг «Хирмонда пахта қуритиш», М. Саидовнинг «Пахтакорлар», «Нормасини бажармади», ёш рассом А. Мирзаевнинг «Қизил карвон» асарлари пайдо бўлди. Ушбу асарлар музей залларидан муносиб ўрин олиб, санъат мухлисларини хушнуд этмоқда.

Каникул соз ўтмоқда

●

МЕҲНАТ КАНИКУЛИ

Шу кунларда шаҳримиздаги кўпгина мактабларнинг ўқувчилари ёзги каникулни саноат корхоналарида касб-ҳунар ўрганиш ва меҳнатга кўникма ҳосил қилиш билан ўтказмоқдалар. 170-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари худди ана шундай қилишмоқда. Улар электромонтаж буюмлари заводида ва В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилар эканлар, биз шогирдлар эмас, балки ёш ишчиларимиз, деб фахрланишмоқда. Улар шу кунларда меҳнат отпускасига кетган токарлар ва фрезерчиларнинг ўрнини эгаллаб туришибди.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги юмушларига ишқибоз бўлганлар Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг 8-бригадасида меҳнат қилишяпти. Ўқувчилар озиқ-овқат программасига ўзларининг йиғиштираётган сабзавотлари билан катта ёрдам ҳиссасини қўшишмоқда.

Мактабда ташкил этилган ремонт бўйича яна бир отряд синф хоналарини ўқув йиллига тайёр қилишда қатнашди ва ҳарбий-спорт шаҳарчасини бунёд этишда иштирок этди.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Жаҳоннинг гўзал боғида

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ф. М. Русанов номидаги ботаника боғини жаҳоннинг гўзал боғларидан бири деб таърифлашади. Чунки, бундан ўн йил муқаддам Англияда жаҳон боғлари ҳақида нашр этилган илмий мажмуада Тошкент ботника боғи энг гўзал ва бой табиат маскан-ларидан бири деб таърифланган. Бу табиат ва наботот боғи йил сайин чет эллардан келтирилаётган ўсимликлар оламининг намуналари билан бойиб бормоқда. Бу йил бу ерда қандай янги навли ўсимликлар пайдо бўлди? Биз бундай савол билан боғнинг уруғликлар лабораториясининг мудири, биология фанлари кандидати А. Д. Барильниковага мурожаат этдик.

— Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида жаҳоннинг 30 мамлакатидан ўсимликларнинг 2 мингдан зиёд намунаси уруғликларини олдик. Бизнинг вазифамиз бу уруғликларни экиб ундириш ва вояга етган ўсимликларнинг хусусиятларини ўрганиш ва шаҳарни кўкаламзорлаштириш ишида қўллашдир. Биринчи марта ботаника боғида Австралия ва Жанубий Африканинг газания ва титония ўсимликларини очиқ тупроқда экдик.

Бундан ташқари СССР Қизил китобига киритилган ўтсимон ўсимликларнинг ноёб 25 тадан ортиқ тури ҳам бизнинг ботаника боғида парвариш қилинмоқда. Улар орасида ёввойи ҳолда ўсувчи пионлар диққатга сазовордир. Улар вақти келиб Тошкентнинг боғ ва хиёбонларини безаши мумкин.

Биз ҳам ўз навбатида ва чет эллардаги ҳамкасбларимизни унутганимиз йўқ. Ҳар йили экспедицияларимиз ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг янги турларини аниқлаш мақсадида Ўрта Осиёнинг саҳро ва тоғли районларига йўл олади. Ходимлар бу экспедицияларда ўлкамизнинг ўзига хос набототи намуналари уруғликларини тўплайдилар. Шу йилнинг ўзида чет эллардаги ботаника боғларининг гресларига 4 минг атрофида уруғлик намуна-си жўнатилди. Улар орасида Ўрта Осиё ўсимликларидан тайёрланган ўзига хос гулдаста бор.

● МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Медицина тараққиётига бағишлаб

Пойтахтимизнинг Киров номли маҳалласида республикамизнинг шонли 60 йиллиги олдидан совет медицинасининг тараққиётига бағишланган суҳбат бўлиб ўтди. Маҳалла аҳли хузурига 8-поликлиника шифокорлари меҳмон бўлиб келдилар. Бош врач Ш. Мирзаев, бош врач ўринбосари Б. Мирҳўжаева, шифокорлардан П. Каримова, Г. Каримова, Ф. Соатова, К. Қулмуҳамедова, Ш. Комилова йиғилганларга республикамизда 60 йил мобайнида жуда кўп оғир касалликлар мутлақо бартараф этилганлиги, ҳозирги пайтда совет кишисининг саломатлиги учун партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган чексиз ғамхўрликлар, хасталикларнинг профилактикаси ҳақида гапириб бердилар.

М. АБДУШУКУРОВА.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

РАҲБАРЛИК САВИЯСИ ОШИРИЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюроси партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари талаблари асосида Фрунзе район партия комитетининг меҳнат коллективларини меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашга сафарбар этиш бўйича иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Бюро қарорида кўрсатиб ўтилдики, Фрунзе район партия комитети район саноат корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари коммунистларни, меҳнат коллективларини партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажаришга сафарбар этиш бўйича бирмунча ишларни амалга оширмоқдалар, уларнинг куч ва ғайратини меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашга қаратмоқдалар.

Айни пайтда, Фрунзе район партия комитети, унинг бюроси ва бўлимларининг иш услуби ва методлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талабларига жавоб бермайди. Районнинг катта иқтисодий потенциалидан фойдаланишда, меҳнат, план ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда камчиликлар ва нуқсонлар рўй бераётганлиги ва уларни бартараф этишни пайтида ишларнинг аҳволи кўпинча чуқур таҳлил этилмайди, коммунистларнинг куч-ғайрати коллектив олдида турган энг муҳим вазифаларни ҳал этишга етарли даражада йўналтирилмайди.

Бу ва бошқа нуқсонлар шунга олиб келдики, район беш йилликнинг директив топшириқларини деярли барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажармаяпти.

Шаҳар партия комитетининг бюроси қабул қилинган қарорда Фрунзе район партия комитетига район саноат корхоналарининг партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари фаолиятига раҳбарлик бўйича ташкилий ва сиёсий ишларнинг услуб ва методларидаги камчиликларни бартараф этишни топширди.

ИНТИЗОМ ҲАР ТОМОНЛАМА МУСТАҲКАМЛАНСИН

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Ташсантехгазмонтаж» трести партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари талаблари асосида давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича қандай иш олиб боряпти — ушбу масала шаҳар партия комитетининг бюроси мажлисида муҳокама этилди.

Трест партия ташкилоти план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича муайян ишларни амалга оширди. Амалга оширилган ишлар натижасида трест 1983 йилда меҳнат унумдорлиги бўйича планни ҳисобга олмаганда 1984 йилнинг биринчи ярим йиллигида барча кўрсаткичлар бўйича планни бажарди. Шу йилнинг биринчи ва иккинчи кварталлари якунларига кўра коллективга Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Айни пайтда шаҳар партия комитети бюроси кўрсатиб ўтдики, трест партия ташкилоти ишда ҳали бир қатор камчиликлар бор. Партия комитети КПСС Устави талабларини бажариш, давлат, план ва меҳнат интизомига риоя этиш борасида коммунистларнинг масъулиятини ошириш бўйича етарли даражада ишламаяпти. Партия комитети, партия бюроси ишлаб чиқариш бригадалари ҳаётига чуқур кириб бормаяпти. Бу ерда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар бўш йўлга қўйилган.

Трест партия ташкилоти янги техникани, илғор технологияни жорий этишга, рационализаторлик, ишлаб чиқаришда новаторлик ҳаракатини ривожлантиришга кам эътибор қаратяпти. Бунинг оқибатида кейинги икки йилда меҳнат унумдорлиги бўйича план бажарилмади, бу йил меҳнат унумдорлигини бир процент ошириш бўйича социалистик мажбурият бажарилмаяпти.

Трест партия комитети план, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан етарли даражада иш олиб бормаяпти. Умуман трест бўйича ўртача кўрсаткичлар орқасида қолоқ участкалар яширинган. Уларда монтаж ишларининг планлаштирилган ҳажми бажарилмаяпти. Бу шаҳарнинг турар жойларни фойдаланишга топшириш бўйича қолоқлигининг сабабларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Партком кўпинча либерал-лик ва принципсизлик кўрсатяпти ва айрим коммунистларнинг топшириллган ишга масъулиятсизлик билан қараши фактларига сиёсий жиҳатдан баҳо бермаяпти.

Шаҳар партия комитети бюроси «Ташсантехгазмонтаж» трести партия комитетига эътиборни давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишларга қаратиш, камчиликларни йўқотиш, кадрларни танлаш ва тарбиялаш бўйича ишни кучайтириш, коммунистларнинг КПСС Устави талабларига қаттиқ риоя қилиш бўйича масъулият ҳиссини ошириш вазифасини юклади.

Шаҳар партия комитети бюроси шунингдек, шаҳар партия ташкилотининг ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор масалаларни кўриб чиқди.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

8 августда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида идеология иши масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда район партия комитетларининг секретарлари, район партия комитетлари пропаганда бўлимларининг мудирлари, корхона ва ташкилотлар партия кабинетлари бўлимларининг мудирлари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари қатнашдилар.

Кенгашда совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 40 йиллик юбилейига тайёргарлик масалаларига катта эътибор қаратилди. Шунингдек, «Билим» жамияти шаҳар ташкилотининг фаолиятини такомиллаштириш масалалари, В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалидаги сиёсий-оммавий ишларнинг жиҳатлари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг марксизм-ленинизм университетига навбатдаги тингловчиларни қабул қилиш масаласида шу университет директори Л. И. Тихонова сўзлади. «Союзпечать» шаҳар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. Н. Цой бу ерга тўпланганларнинг диққат-эътиборини газета ва журналларга обуна қилиш масалаларига қаратди.

Кенгаш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида муҳокама этилган масалалар юзасидан аниқ тавсиянномалар қабул қилди.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари А. В. Гончарова олиб борди ва унда сўзга чиқди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент асбобсозлик заводи Байкал-Амур магистрали бунёдкорлари махсус буюртмасига биноан 10 минг сўмлик миқдорда қирқувчи асбоблар туркумини тайёрлаб, уларнинг адресига юборди.

Корхонанинг кенг истеъмол буюмлари цехида янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. У болалар «Ракета» ўйинчоқларининг дастлабки туркумидир.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 30 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 20—22, эртага кундузи 36—38 даража иссиқ бўлади.

МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИБ

Шу кунларда 1-ийсозлик комбинати ишчилари пойтахтимиздаги кўплаб коллективлар қатори юбилей вахтасида туриб меҳнат қилмоқдалар. Коллектив зиммасига ғоят шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилган. У гўзалликда беқиёс шаҳримизга мос уй-жойлар, турар жой кварталлари қуриш, қурилишларга йирик панеллар етказиб бериш ишларини бажариб келяпти.

Замон қўяётган талабларга мувофиқ корхона ўтган беш йилликда реконструкция қилинди, кенгайтирилди. Ишлаб чиқариш техника ва технологияси такомиллаштириб борилмоқда. Шу кундаги қурилишлар талаб ва эҳтиёжига мувофиқ йирик панеллар янги технологияда, сифатли қилиб тайёрланмоқда. Асосий маҳсулотларнинг қарийб ҳаммасига давлат Сифат белгиси берилган.

«Ҳурмат Белгиси» орденли комбинат меҳнат аҳли КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини муваффақият билан ҳаётга тадбиқ этиш, меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процентга ошириш учун курашиб, беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари, аъло даражада бажаришда бутун имконият ва резервларни ишга солганлар.

Корхонанинг илғор коллективлари беш йилликни тўрт ва тўрт ярим йилда бажариш учун жонқуярлик кўрсатмоқдалар. «Юксак меҳнат интизоми билан юксак меҳнат унумдорлигига эришамиз»! жанговар шиори комбинатнинг ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир ишчиси фаолиятига чуқур сингиб кетган.

Комбинат бригадаларининг кўпчилиги «Тўққизлар ҳаракати»га қўшилиб, республиканинг шонли юбилейигача беш йиллик плантопшириқларни тўрт ярим йилда адо этиш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар.

Мусобақада карвонбошилик қилаётган атоқли бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Исмоил Орипов бошлиқ бетончилар бригадаси азаматлари қатор ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқдилар. Уларнинг «Беш кунлик ишни тўрт кунда уддалаймиз!» жанговар даъватларига комбинатнинг барча корхоналари ишчилари якдиллик билан қўшилишди.

Ташаббускор бригада ишчилари шу кунгача пландаги 11 минг 530 куб-метр ўрнига 16 минг 300 куб метрдан знёд уй-жойни қуриб битказишга муваффақ бўлишди.

Машъаллар изидан бориб, шонли юбилей шарафига кун сайин зарбдорларча меҳнат қилаётган Камир Илёсов, Абдували Турсунов, Григорий Грязнов, Абдуқаҳҳор Қосимов, Альберт Сафин, Арон Штейман, Степан Липский, Ҳабибулла Юнусов етакчилик қилаётган бригадалар бунёдкорлари эришаётган муваффақиятлар, айниқса, қувончли бўлмоқда.

1-пардозлаш бошқармасининг Камир Илёсов бошлиқ комплекс бригадаси ишчиларини Новий путь кўчасида янги барпо этилаётган турар жой биносида учратдик. Улар кўп қаватли уйни пардозлаш ишларини тугатишаётган экан.

— Айни пайтда «Иваново тўқимачилари» деб номланган турар жой массивида тўқимачилар шаҳарчасини бунёд этишда ҳам иштирок этяпмиз, — дейди бригадир. — Мақсадимиз, фақат вақтдан ўзиб, аъло сифат ва тежамкорлик билан ишлаш, пландан ташқари камида 1 процент меҳнат унумдорлигига эришишдан иборат. Бунинг учун, мана кўриб турганингиздек, ҳамма шарт-шароит бор, пардозлаш материаллари, зарур асбоб-ускуналар бизга ўз вақтида керагича етказиб бериляпти.

Чиндан ҳам, бригада ишчиларининг ишларини завқ-шавқ, ўзаро аҳил-иноқлик билан бажараётганликлари, ҳар ким ўз ишини бекамукўст уддалаётганидан қалбингиз ғурурга тўлади, эрта-индин бу уйга кўчиб кирадиган хонадон соҳибларининг ҳам уларга ғойибдан ташаккур айтишлари беихтиёр хаёлингизга келади. Яп-янги, кенг ва ёруғ хоналарда, коридор ва подъездларда Тазкира Абдулҳақова, Соня Севрук, Надя Величко, Гриша Николаев каби моҳир бўёқчилар, Борис Баласовский каби ойнасозлар, Абдулла Қорабоев каби чаққон дурадгорларнинг ишларини завқ билан кузатдик.

Меҳнат интизомининг мустаҳкамлиги, иш тўғри ва оқилона ташкил этилгани, у ишчилар ўртасида яхши тақсимлангани, мусобақа қудратига юксак баҳо берилаётгани, шубҳасиз коллектив ютуқларининг асосий сабаби бўляпти.

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда уйсозлик комбинати меҳнат коллективлари сафларида йигит-қизлардан 500 дан знёд коммунистик меҳнат зарбдори, ўнлаб коммунистик меҳнат бригадалари, кўплаб беш йиллик пешқадамлари, новатор ва техника ижодкорлари бор.

Бир сўз билан айтганда республикада энг йирик ҳисобланган уйсозлик комбинати бунёдкорлари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топширғини муддатидан олдин бажариб, фақат аъло сифатли меҳнат қилиш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллигини энг яхши совғалар билан кутиб олиш йўлида мусобақани авж олдириб, ҳар бир имконият ва резервлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

С. ЖУРАЕВ.

• ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА

Экспериментал мактаб

Ҳар йили шаҳримизда кўплаб янги мактаблар фойдаланишга топширилади. Бу йил шундай мактаблардан 9981 минг ўқувчи ўрнини 8 та мактабни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Шулардан бири Юнусобод массивининг 15-кварталида бунёд этилмоқда. Янги мактабнинг лойиҳасини «Ташгипрогор» институти меъморлари яратишган бўлиб, лойиҳа экспериментал ҳисобланади. Экспериментал мактаб лойиҳага кўра 13 ойда қурилиши керак эди. Лекин...

Лекин қурувчилар ишни яхши ташкил этганликлари туфайли янги мактабни қисқа муддатда — олти ой давомида қуриб битказишга муваффақ бўлдилар. 159-трестнинг 22-қурилиш бошқармасининг В. Воронов бошлиқ монтажчилар ва А. Юнусов етакчилигидаги комплекслашган бригада аъзолари мактаб қурилишида зўр шижоат кўрсатдилар. Участка бошлиғи Борис Борисович Таболов ҳар бир ишда бош-қош бўлди. Бу моҳир қурувчи шаҳримизда мактаблар қурилиши бўйича етук малакали мутахассис ҳисобланади. Чунки пойтахтдаги жуда кўп мактабларнинг қурилишига у раҳбарлик қилган.

— Бригадаларимиз илғор иш усулларидан, вақтдан, кичик механизациядан унумли фойдаланганликлари, зиммадаги масъулиятни чуқур ҳис этганликлари, қолаверса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳамда Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари пленумлари қарорларидан тегишли хулоса чиқариб олган қурувчилар ишни оқилона ташкил этишга ҳаракат қилдилар, бутун куч ва имкониятларини фойдаланишга топшириладиган объектларга қаратдилар. Экспериментал мактаб қурилишида ҳам шундай бўлди. Мана унинг калитини янги мактаб коллективига топшириш арафасида турибмиз.

Кейинги пайтда кўпгина мактаблар қурилишида ҳайбаракалла-чиликка йўл қўйилар, натижада иш сифатига путур етарди. Лекин бу мактаб қурилишида бундай бўлмади. Қурувчилар виждонан меҳнат қилдилар.

Ҳозирда янги мактаб гавжумлашиб қолди. Бу ерда мактаб ўқитувчилари ва болалар муассасалари ходимлари ҳашар йўли билан мактабни тартибга келтирмоқдалар. Янги мактаб 176 ўринли бўлиб, тўрт қаватдан иборат. У типовой лойиҳадаги 7 корпусли мактабларга ўхшамайди. У бир корпуслидир, бошқаришга эса жуда қулай. Йўлак ва вестибюллар кенг ва ёруғ. Катта йўлакдан кираверишда кийим ечиш хоналари бор. Бинонинг 3 ва 4-қаватида очиқ ҳовли жойлашган. Бу ерда ўқувчилар танаффус пайтларида дам олишади. Бундан ташқари эксперимент мактаб ажойиб ошхонага, кенг ва ёруғ спорт ҳамда мажлис залларига эга.

Ҳозирда мактабда ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилляпти. Ҳеч шубҳа йўқки, 1 сентябрь куни қўнғироқ садолари остида синфларга қадам қўйган ўқувчиларнинг баҳри-диллари қурувчиларнинг бу ажойиб совғасидан гулгул очилиб, яйрайди.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

* * *

СУРАТДА. эксперимент мактабнинг олд томондан кўриниши.

Автор фотоси.

• Экономика янгиликлари

«УЙДА ТУЗАТУВЧИЛАР»

Намангандаги 17-автобус парки қарамоғидаги маршрутга чиққан «ЛАЗ» автобуси янги бўлмасада уни завод конвейеридан янгигина тушган машиналардан фарқ қилиш қийин. Ҳолбуки, яқинда бу автомобиль кузови ғоятда пачақланганлигидан катта ремонт талаб эди. Автопарк усталари автобусни ўз кучлари билан тиклашга енг шимардилар. Бунинг учун корхонада уйда тузатувчилар бригадаси тузилди.

Янгилик янги иқтисодий самара берди: машиналарни ремонт қилишга кетадиган вақт, транспорт харажатлари камайди. Бу ерда йил бошидан бери завод шароитларида катта ремонт кутиб ётган йигирматага яқин автобус тикланди.

КЎЧМА ЛАБОРАТОРИЯ

Ўзбекистон стандартлаш ва метрология марказининг ходимлари темирйўлда радио ўлчов аппаратларини текшириш ва ремонт қилишга қарийб икки баравар камроқ вақт кетказа бошладилар Улар темирйўлчилар билан бирга битта вагонни лаборатория қилиб жиҳозладилар. Илгари приборларни кўриб чиқиш учун уларни стационар лабораторияга келтиришга, узоқ вақт ишдан қолдиришга тўғри келарди. Эндиликда лабораторияга келтириш жараёнидан чиқариб юборилди. Кўчма лаборатория метрологик хизмати сифатини ҳам, бинобарин бутун сигнализация ва алоқа системаси иши сифатини ҳам оширди. Кўчма лаборатория ўн битта сигнализация ва алоқа дистанцияларида бўлади.

ИШЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Хива гилам комбинатининг ишчилари корхона территориясидан чиқмай, ўн беш йил хизматдан фойдалана оладиган бўлиб қолдилар. Бу ерда озиқ-овқат магазини, сабзавот дўкони, сартарошхона, врач кабинети, маиший хизмат қабул пунктлари очилди. Энди гиламдўзлар кўп вақт кетказмай, кийим-кечак тикишга буюртма беришлари, пулни омонат кассага ўтказишлари, соат, пойабзалларни ремонт қилиб олдиришлари мумкин бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси меҳнат интизомини юксалтиришга ёрдам берди.

(ЎзТАГ).



СУРАТДА: Тошкент трактор заводи ишчилари томонидан жўнатишга ҳозирланган тракторлар.

М. Нуриддинов фотоси.

• Луқма

Қулоғингизга айтаман

Тасаввур қилинг: дам олиш кунларидан бирида мириқиб телевизор кўряпсиз. Тўсатдан у кўрсатмай қолди. Аниқроғи ёғдуси бор, овози ҳам жойида лекин тасвир йўқ. Шунда истайсизми йўқми турли маркадаги телевизорларни тез ва соз тузатиб беришни ваъда қилиб, шаҳарнинг энг гавжум жойларига эълончалар осиб қўйган устахоналар номи кўз олдингиздан липиллаб ўтаверади. Ва сиз фурсат топиб, телевизорингизни дастёр ўғлингизга опичлатиб йўлга тушасиз.

Худди шу аҳволга тушган оқшомхон Қ. Нишонов «Бешқайрағоч» массивидаги 6-поликлиника олдида жойлашган радио ва телевизор тузатиш устахонасига «Горизонт-206» маркали телевизорини ўзи кўтариб борган. Яхши ният билан бориб, найрангбоз устадан кўнгли ранжиб бизга хат йўллаган.

— Шу йил 1 июль куни мазкур устахонага телевизоримни олиб борсам тўладан келган уста йигит уни кўриб кечроқ олиб кетинг, тузатиб қўяман, деди. Айтган вақтида келиб 1619 номерли квитанция қоғози бўйича унга 7 сўм 40 тийин тўлаб телевизоримни олиб кетдим. Аммо орадан беш кун ўтиб у бутунлай кўрсатмай қўйди. Яна бордим. Кейин тайинланган куни қизим бориб бўшашиб қайтиб келди. Уста йигит: «Яна 28 сўм бересанглз уни ҳеч бузилмайдиган қилиб тузатаман», дебди.

Яқинда яна ўзим бориб устага «уч ойгача бузилмайди» деган ваъдасини эслатсам у тутоқиб кетди. Менга дўқ-пўписа қилганидан сўнг кўнглим ранжиб, телевизоримни устахонада қолдириб келдим, деб ёзибди у редакцияга йўллаган хатида.

Бизнинг эса ҳурматли ҳамшаҳарларимиз н и н г қулоғига айтадиган битта гапимиз бор. Мабодо телевизорингиз тўсатдан бузилиб қолса ушбу устахонага олиб боришга шошманг. Бу ерда ўз хизмат вазифаси тақозо қилганидек ишлашни «хуш кўрмас» усталар ҳам йўқ эмас шекилли.

Мақсад ЯХШИЕВ.

• «Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

ЖУРНАЛЛАР ЭГАСИНИ ТОПДИ

Газетамизнинг шу йил 16 июнь сонида оқшомхон Т. Раҳмоновнинг хати босилиб, «Шмель» ва «Скорпион» журналларини ўз вақтида ололмаётганидан шикоят қилган эди. Октябрь район алоқа бўлими бошлиғи А. Кальченкодан қуйидаги жавоб олинди:

— Текширишдан маълум бўлишича газетхон Т. Раҳмонов ҳақиқатан ҳам «Шмель» ва «Скорпион» журналларига обуна бўлган.

Бу участкада почтачи М. Алимов хизмат кўрсатади. У журналларни имкони борича ўз вақтида обуначиларга етказиб бериш ҳаракат қилган. Обуначи Т. Раҳмоновнинг ҳовлисида почта қутиси ўрнатилмаган. Шу сабабли обуна бўлган журналлари қўлига тегмаган бўлиши мумкин.

Шу участкада текшириш ўтказиш мобайнида 21-алоқа бўлими ходимлари устидан бошқа шикоят тушмаган.

Аммо шунга қарамай обуначи қўлига тегмаган журналларнинг иккала сонлари шу йил 3 июль куни уйига олиб бориб берилди ва обуначига почта қутиси ўрнатиш таклиф этилди.

Айни кунда 21-алоқа бўлими томонидан нашрларни эгаларига ўз вақтида етказиб бериш назорат остига олинди.

«БУДИЛЬНИК КЎРГАН БОРМИ?»

Газетанинг шу йил 17 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада ҳозир шаҳар магазинларидан оддий будильник соат сотиб олиш амри маҳол эканлиги ҳақида сўз юритилган эди. «Ташкултторгг» директори В. Гордандан ушбу мақолага қуйидаги жавоб олинди.

— Мақола коллектив ўртасида жиддий муҳокама қилинди ва ишимиздаги нуқсонлар ҳақидаги танқидий фикрларни бизга ўз вақтда билдирилган танқид деб қабул қилдик. Будильник соатлар ҳақиқатан вақтинча магазинларимизда сотилмай қолган.

Шу йилнинг биринчи ярмида биз магазинларимиз орқали шаҳар аҳолисига баҳоси 4 сўм 50 тийиндан 17 сўмгача бўлган 12000 дона механик ва электрон соатлар сотдик. 1984 йилда магазинларимизга сотувга чиқариш учун 290 минг дона будильникка заявка берилган эди. Аммо биз 65 минг 800 дона кам будильник олдик. Бунинг кўп қисмини механик будильник соатлар ташкил этади.

Текширишда шу нарса маълум бўлдики, баҳолари 4 сўм 50 тийин, 5 сўм 50 тийин, 7 сўм 50 тийин, 9 сўм, 11 сўм, 13 сўм, 15 сўм ва шунингдек, 17 сўм бўлган будильник соатлар торг савдо шахобчаларига ҳозир сотувга чиқарилган.

Будильник соатларни харидорларга ўз вақтида етказиб бериш хусусида торг томонидан ҳамма чора-тадбирлар кўрилмоқда.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЭЛЕКТРОН ЁРДАМЧИЛАР

БУДАПЕШТ. Венгрия электроника корхоналари СССР ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар учун ЭҲМ ёрдами билан бошқариладиган станоклар, контроль-ўлчов асбоблари, автоматиканинг турли воситаларини ва кўпгина бошқа буюмларни ишлаб чиқармоқда.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва кооперациялашда ВХРнинг фаол қатнашаётганлиги унга электрон саноатини қисқа вақт ичида халқ хўжалигининг тез ривожланаётган тармоқларидан бирига айлантириш имконини берди. Уч йил муқаддам тасдиқланган ҳукумат программасига мувофиқ Венгрияда олис келажакни кўзлаб электрониканинг замонавий базаси барпо этилмоқда. Программанинг рўёбга чиқарилаётганлиги, масалан, кичик ЭҲМ ва компьютерлар ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш имконини берди. «Видеотон» бирлашмаси тайёрлаб чиқараётган электрон-ҳисоблаш техникасининг ўзигина Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларидаги 600 дан кўпроқ ҳисоблаш марказларида фойданилмоқда.

Электрон саноати соҳасида Совет-Венгрия алоқалари тез ривожланиб бормоқда. Яқинда Будапештдаги микроэлектрон буюмлар заводида интеграл схемалар ишлаб чиқарадиган автомат линия ишга туширилди. Шу линия учун машинаускуналар ва техникавий ҳужжатлар СССРдан олинди. Яқинда электрон саноати соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида икки мамлакат ўртасида янги битимлар имзоланди.



Гоа — 1961 йили Ҳиндистон республикаси составига киритилган иттифоқдош Гоа, Диу ва Даман территорияларининг асосий қисмини ташкил этади.

СУРАТДА: Гоадаги қадимий бино.

* * *

Буюк Британия маъмурлари шахтёрларнинг бир қатор шахталарни бекитилишига қарши умуммиллий иш ташкилотларини ҳимоя қилиб чиқаётган кишилардан шафқатсиз ўч олмоқда.

«Трибюн» газетасидан олинган ушбу суратда касаба союз ҳаракати активларининг иш ташлаган шахтёрларга ёрдам сифатида пул маблағи ва озиқ-овқат тўплаш вақти акс эттирилган.

ТАСС фотохроникаси.

АЪЛО СИФАТЛИ

БЕРЛИН. Карл-Маркс-штадт шаҳридаги энг катта Ф. Геккерт номли комбинатга «Аъло сифатли ишлайдиган корхона» номи берилди. Ана шу улкан корхона цехларида ишлаб чиқарилаётган станокларнинг янги ёки такомиллаштирилган 26 моделига шу йилнинг биринчи ярмида фахрли Сифат белгиси берилди. Булар — замонавий металл ишлаш агрегатлари, шунингдек ЭҲМ ёрдами билан бошқариладиган автомат линиялардир.

Комбинат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган машина-ускуналар кўпгина мамлакатларнинг истеъмолчиларига ғоят манзур бўлмоқда. Бунлай маҳсулотлар Совет Иттифоқида ҳам яхши маълум: Карл-Маркс-штадтдаги комбинат ишлаб чиқараётган станоклар Чебоксари ва Ивановода, Тольятти ва Минскда, Ленинграддаги «Электросила» заводида ва Камазда ниҳоятда яхши станок эканини кўрсатди.

Маҳсулот сифатини доимо яхшилаб бориш кўп минг кишилик коллектив социалистик мажбуриятларининг асосий бандларидан бири дир. Машинасозлар ГДР ташкил этилганлигининг 35 йиллиги арафасида шу йил планларини ошириб бажаришга ҳаракат қилаётганликларини, юбилей йилини корхона тарихда энг муваффақиятли йилга айлантиражакларини айтмоқдалар. Қардош мамлакатлардаги 20 дан кўпроқ корхона ва тадқиқот марказлари билан қалин ҳамкорлик ишлаб чиқариш программасини янгилаш жараёнини жадаллаштириш белгиланган мақсадга эришиш учун комбинат коллективига ёрдам бермоқда.

МУЗОКАРА БОШЛАНДИ

ВЕНА. Бу ерда БМТ Бош секретари Х. Перес Де Куэльярнинг Кипрдаги грек ва турк жамоалари вакиллари билан музокаралари бошланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши БМТ Бош секретарига кипрлик греклар билан турклар ўртасида оролнинг иккала жамоаси учун мақбул бўла оладиган битимга эришиш соҳасидаги куч-ғайратларни давом эттиришни топширган эди. Мана шу куч-ғайратлар доирасида Австрия пойтахтида ҳозирги музокаралар ўтказилмоқда. Бу музокаралар Кипрнинг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини таъминлашга кўмаклашиш лозим. Музокаралар икки кун давом этиши расмий равишда эълон қилинди.

Х. Перес Де Куэльярнинг журналистларга айтишича, у БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциясига амал қилиб иккала жамоа вакиллари билан музокара ўтказишни мўлжалламоқда.

ЯПОНИЯ. Яқинда Токиодаги Ионоги боғи Накасанэ кабинетининг реакцион сиёсатига ва Токиода Америка қанотли ракеталари учун махсус порт очиш қарорига қарши турли шиорлар, алвон ва транспорантлар кўтариб олган намойишчилар тўлқини билан тўлди.

СУРАТДА: намойиш қатнашчилари Япония пойтахти кўчаларида.

ТАСС фотохроникаси.

Хенг Самриннинг айтганлари

ПНОМПЕНЬ. Кампучия халқ революцион партияси раҳбарлигида ҳамда Совет Иттифоқи, Вьетнам ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тажрибасидан кенг фойдаланиб Кампучияда халқ ҳокимияти органлари мамлакатнинг бутун территориясида ташкил этилиб, муваффақиятли ишламоқда, деди КХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, КХР Давлат Кенгашининг Раиси Хенг Самрин. У Вьетнам, Лаос ва Кампучия соғлиқни сақлаш министрларининг иккинчи конференциясига йўллаган мактубида мамлакатда соғлиқни сақлаш системаси қайта тикланиб, республиканинг барча районларида полпот жиноятчи режими томонидан тўгатилган медицина хизмати тармоғи ташкил этилди, деб таъкидланади. Бугунги кунда Кампучияда бутун аҳоли медицина ёрдамидан баҳраманд бўла олади.

Ҳинди-Хитой мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг янада ривожланиши соғлиқни сақлашни такомиллаштириш учун катта аҳамиятга эга, деб таъкидлади Кампучия раҳбари. Бундай дўстлик ва ҳамкорликни тинмай мустаҳкамлаш, янги мазмун билан бойитиш мазкур мамлакатлар халқлари ҳаётининг турли соҳаларида муваффақиятли олға боришининг гарови бўлиб хизмат қилади.

КХР бугунги кунда Кампучияни Вьетнам ва Лаос, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан боғлаб турган қардошлик ва ўзаро ёрдам алоқалари бундан буён ҳам мустаҳкамланавериши учун куч-ғайрат сарфлай беради, деб уқтирди Хенг Самрин.

Агрессив стратегия майдони барпо этилмоқда

ТОКИО. Пентагон Японияннинг шимолидаги Хонсю оролида жойлашган Мисава авиация базасини Қўшма Штатларнинг Узоқ Шарқдаги агрессив стратегияси майдонига айлантирмоқда.

Киодо Цусин агентлигининг хабар қилишича, АҚШ мудофаа министрининг ёрдамчиси Р. Армитиж конгресс комиссиясига мактуб йўллаб, АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг мана шу Америка авиация базасида зўр вайронгарчилик кучига эга бўлган катта ер ости ўқ-дори аслаҳахонасини вужудга келтириш режаларини баён этиб берди.

Мактубда уқтириб ўтилишича, Қўшма Штатлар ҳарбий-денгиз кучларининг қўмондонлиги 1985 молия йилида шу ишларга 9,3 миллион доллар ажратилишини талаб қилмоқда. Шу йилнинг декабрида қўра бошлаш мўлжалланаётган янги аслаҳахона Американинг ҳарбий кемаларини, сув ости кемаларини, ҳарбий-денгиз кучларининг ва денгиз пиёда қўшинларининг самолётларини ўқ-дори билан таъминлайдиган бўлади. Пентагон у ерда ядро қуролини ҳам жойлаштириб, «Фавқулодда вазият» вужудга келган тақдирда шу қурол ишга туширилиши лозим бўлади.

Меҳнаткашлар ҳисобига «соғломлаштириш»

ЛИССАБОН. «Қаттиқ тежамкорлик» ва Португалия экономикасини «соғломлаштириш»га қаратилган ҳукумат программасини амалга оширилиши ишсизликнинг ҳаддан ташқари кўпайишига олиб боради, деб уқтиради Португалия меҳнаткашлари умумий конфедерацияси — миллий интерсиндикал.

Португалиянинг мана шу энг катта касаба союз марказий кабинетининг режаларини ва мамлакат экономикасининг аҳволини таҳлил этиб, маъмурларнинг ниятлари амалга оширилиши «ортиқча кишилар»нинг 240 минг нафар кўпайишига сабаб бўлади, деган хулосага келди. Буларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Шундай қилиб, деб уқтиради интерсиндикал, 1987 йилга борганда Португалияда меҳнатга лаёқатли аҳолининг сони 4,5 миллион бўлгани ҳолда 700 минг-га яқин киши ишсиз бўлиб қолади.

ЖАСОРАТГА ЧОРЛОВЧИ КИНОЛЕНТАЛАР

1918 йил 1 Май паради вақтида В. И. Ленин ўзини суратга олаётган операторга: «Ўртоқ, фронтга кетаётган жангчиларни кўпроқ суратга олинг», деган эди. Орадан сал кам чорак аср ўтгандан сўнг доҳийнинг бу сўзлари кинооператорлар учун шиор бўлиб қолди. Улар Улуғ Ватан урушининг учинчи куни, яъни 24 июндан бошлаб фронтдаги аҳволни суратга ола бошладилар. Улуғ Ватан уруши йилларида фронт кинооператорлари совет халқининг жасоратини мадҳ этувчи 3,5 миллион метр плёнкани суратга олдилар. Улуғ Ватан уруши солномасини ленталарда яратган фронтчи кинооператорлар орасида ҳамюртларимиз М. Қаюмов, М. Ковнат, О. Раҳимовлар ҳам бор эди. Улар бир қўлда кинокамера, бир қўлда қурол билан жангга кирдилар. Қаттиқ жанглардан бирида М. Қаюмов оғир жароҳатланади ва Тошкентга жўнатилади. М. Ковнат ва О. Раҳимовларга серқуёш диёримизни кўриш насиб этмади. Улар жангларда ҳалок бўлдилар.

Кинохроника уруш йилларида фронт орқасини фронт билан боғлашда беқиёс роль ўйнади, оммани фронт янгиликларидан хабардор қилиб турди. Урушнинг 4 йили ичида «Союзкиножурнал»нинг 40 сони, «Новости дня» киножурналининг 65 сони, «Фронтовой киновипуск» журналининг 24 сони, 65 та қисқа метражли ва 34 та тўла метражли фильмлар чиқарилди. Уруш йиллари фронтда бўлгани сингари, фронт орқасида ҳам халқимиз жасорат намуналарини кўрсатди.

Ўзбек халқининг ана шу жасорати, ташаббускорлиги, ғалабага қатъий ишончи кинематографчил а р имизнинг 1941 йили қисқа муддатда ишлаган «Биз енгамиз» фильмида ўз аксини топди. Уруш йиллари Тошкент ҳақиқий кино марказига айланди. Пойтахтимизга Москва, Ленинград, Киев, Одесса шаҳарларидан анчагина кино ходимлари келишди. Одесса киностудияси ҳам Тошкентга кўчирилди. Уруш йилларида Тошкент киностудиясига келган совет кино санъати усталари орасида Я. Протазанов, М. Ромм, Г. Козинцев, Л. В. Трауберг, А. Зархи, Л. Луков ва бошқалар бор эди. Ўзбек кино ходимлари улар билан ҳамкорликда иш олиб бордилар. Киночилар ҳам жангчиларга руҳ бағишлайдиган, она-Ватаннинг ҳар бир қарич ерини сўнгги томчи қон қолгунча ҳимоя қилишга чорловчи фильмлар яратдилар. 12 тўпламдан иборат бўлган «Жанговар кинотўплам»нинг икки сони Тошкент киностудиясида яратилди. Таниқли рус кинорежиссёри Я. Протазанов Насриддин саргузаштлари асосида 1943 йил «Насриддин Бухорода» кинокомедиясини яратди. Бу фильм жангчилар учун ҳам, фронт орқасида ишлаётганлар учун ҳам жуда яхши совға бўлди. Чунки ҳазил-мутойибага, қизиқарли саргузаштларга бой бўлган бу кинокомедия ўша оғир йилларда кишилар руҳини кўтарадиган, ғалабага ишончни оширадиган асар эди. Уруш йиллари яратилган «Фронт учун концерт», «Фронтдаги дўстларга», «Беш республика концерти» сингари тўла метражли фильм-концертлар катта муваффақият қозонди. Бу фильмларни яратишда К. Ерматов, Й. Аъзамов, Н. Ғаниев, Уйғун каби сценарист ва режиссёрлар катта меҳнат қилдилар.

Ўзбекистон киносида уруш йиллари фольклорга ҳам мурожаат қилинди. Халқ достонларидаги Алпомиш, Барчин, Аваз, Гўрўғли ва бошқа қаҳрамонлар одамларни ғалабага ундовчи, мардлик ва жасоратга чорловчи образлардир. Шунинг учун ҳам ўзбек киносининг асосчиси Наби Ғаниев Собир Абдулла билан ҳамкорликда «Тоҳир ва Зуҳра» достонини экранлаштиришга киришди. Бу достонни экранлаштиришга ўзбек халқининг шонли фарзанди, генерал Собир Раҳимов жасорати сабаб бўлган эди. Собир Раҳимов республикамиз санъаткорлари билан учрашганда «Тоҳир ва Зуҳра» достонига тўхталиб, агар шу достон—фильм қилиниб, фронтдаги жангчиларга кўрсатилганда жуда яхши бўларди деб таклиф этади. Мана шундан кейин Н. Ғаниев бу ишга жиддий киришди. У халқ афсонасини экранлаштириш устида ишлар экан, ижобий образлар— пок қалбли Тоҳир ва Зуҳра, донишманд Сардор образларида ўз эркинлигини ҳимоя қилаётган совет халқи фазилатларини эслатувчи деталларга алоҳида эътибор берди. Салбий образлар —ёвуз ниятли Қоработир, золим Бобохон, хоин вазир образлари талқинида кинематография воситалари ёрдамида ёвузликни фош этди. Бу фильм Улуғ Ватан урушининг сўнгги ойларида экранларга чиқарилди, жангчилар уни фронтларда томоша қилдилар. Фильм Собир Раҳимов ўлимидан ўн беш кун кейин у хизмат қилган қисмда кўрсатилди...

Фашистлар устидан қозонилган Буюк Ғалабада ажойиб лентали ари билан жангчиларимизни жасоратга чорлаган кино санъаткорларимизнинг ҳам муносиб улушлари бор.

А. КАРИМОВ,
Ўзбекистон киносанъати музейи ходими.

Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театрининг репертуари ранг-баранг асарлар ҳисобига бойиб бормоқда. Айниқса томошабинлар Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» шеърий эртаги асосида шоир Туроб Тўла томонидан яратилган спектаклни мароқ билан томоша қиладилар. Асардаги бош ролларни театрнинг етакчи артистлари ижро этишган.

СУРАТДА: Ойгул ролининг ижрочиси Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, республикада хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Саъдуллаевани кўриб турибсиз.

Э. Муҳамедов фотоси.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

●ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛМОҚДАЛАР

Монголия пойтахти саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари умумхалқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб, ўз ваъдаларига вафо қилмоқдалар. Маълумки, шу ойда совет ва монгол қўшинларининг япон агрессорлари устидан Халхин-Голда қозонган тарихий ғалабасининг 45 йиллиги нишонланади. Ана шу сана муносабати билан зардбор меҳнат вахтасига турган монгол саноатчилари шу йилнинг 7 ойлик планини ортиғи билан адо этдилар, меҳнат унумдорлигини оширишга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга муваффақ бўлдилар.

●КАРНАВАЛЛАР КОМПЛЕКСИ

Рио-де-Жанейрода таниқли архитектор Оскар Нимейер лойиҳаси асосида бунёд этилган карнавал комплекси Бразилиядаги йирик маданият маркази бўлиб қолади. Рио-де-Жанейро штати маъмуриятининг қарорига кўра комплексининг махсус ажратилган хоналарида болаларни хореография, музика ва театр тўгаракларида ўқитадиган группалар ташкил этилди. Бундан кўзда тутилган мақсад бой миллий фольклорни сақлаб қолиш ва уни ривожлантиришдир.

●САККИЗ ЕШИДА МАШҲУР БЎЛГАН БОЛА

Саккиз ёшли Терри Тао Аделанда [Австралия] аҳолиси ўртасида энг таниқлидир. У ўзи бирга ўқийдиган 12 ёшли баланд бўйли синфдошлари билан мактабдан кўчага чиққанда одамлар Терри Таони ўраб олишади. Бунинг боиси бор, албатта. Терри ўз синфдошлари билан ёнма-ён турганда гўё шуларга ўхшаш оддий боладек туюлади. Лекин синфда унинг олдига тушадигани йўқ, чунки у университет дарсликларидаги масалаларни жуда осонлик билан ечиб ташлайди. Мутахассисларнинг фикрича, у дунёда математика бўйича энг зўр қобилиятга эга бўлган боладир. У шунингдек, физика, химия, география фанларини ҳам муваффақиятли ўзлаштиряпти, катта синф программаси бўйича инглиз ва француз тилларини ўрганяпти. Бундан бошқа жиҳатлари билан Терри ўз тенгқурларидан асло фарқ қилмайди. У шўхлик ҳам қилади, шунингдек шоколад ейишни ҳам жуда яхши кўради, деб хабар беради «Эфиопиэн геральд» газетаси.

●ЎҚУВЧИЛАР ЯРАТГАН ОПЕРА

Ереванда ги 1-бадиий мактабда яқинда ажойиб премьера бўлиб ўтди. Бу ерда «Келинг, дўст бўлиб яшайлик» операси премьераси бўлди. Шуниси қизиқки, унинг дастлабки нотасидан тортиб сўнгги декорация штрихларигача болаларнинг ўзлари яратишди.

Опера музикасини 12 ёшли Айкануш Керопян ёзди. Ёш бастакор арман ёзувчиси ва педагоги А. Хнкоянинг «Сичқонлар гурунги» деган қувноқ эртаги мотивлари асосида музика яратган. Дангасалик танқид ўти остига олинадиган бу эртак алла-қачон болалар миллий классикасига айланган ва у китобхонларнинг кўп авлоди муҳаббатини қозонган.

●ИШСИЗЛИК ОШИБ БОРМОҚДА

Норвегияда ишсизликнинг ошиб бориши давом этмоқда. Меҳнат директоратининг хабар беришича, июль ойида «ортиқча кишилар» армияси 64.900 кишини ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда меҳнат қилиш қуқуқини йўқотганлар сони 4,2 минг кишига кўпайган.

●ЎНИНЧИ МАРТА ЭГИЗАК ТУҚҚАН АЁЛ

Бразилияда истиқомат қиладиган 42 ёшли Мария Гансалвес Морейра яқинда ўнинчи марта эгизак фарзанд кўрди. Шуниси қизиқки, Мариянинг ўзи ҳам эгизак бўлиб туғилган, унинг онаси эса ўн марта эгизак фарзандлар туққан эди.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

• ФАН—БЕШ ЙИЛЛИККА

ҒИЛДИРАКНИ... ИХТИРО ЭТИШДИ

Ҳозирги кунларда ҳам ғилдирак ихтиро қилса бўлар экан. Чунончи, Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институтининг олимлари ва мутахассислари яратган ғилдирак катта халқ хўжалик проблемасини ҳал этади.

Мамлакатнинг кўпгина кўмир разрезларида, шахталар ва кон-металлургия комбинатларининг карьерларида электр поездлар ишлайди. Бу поездларнинг иш ҳажми катта, уларга тушадиган нагрузка ҳам катта. Ғилдиракларга тушадиган нагрузка айниқса кўп бўлиб, бир ўққа 33 тоннага қадар етиб боради (темир йўл транспортида эса 25 тоннага ҳам бормайди). Натижада ғилдираклар тез ейилиб кетади. Масалан, Ангрен кўмир разрезининг ўзидагина ҳар ой 300 жуфтгача ғилдиракни тиклаб туришга тўғри келади. Ғилдиракнинг ейилган юзига юпқа металл қоплами югуртирилади, лекин бу «ямоқ» пухта бўлмайди, технологиянинг ўзи эса қиммат туради.

Институт машиналар динамикаси лабораториясининг олимлари завод илтимосига кўра проблемани ҳал этишга киришдилар. Ғилдираклар текширилганида унинг бўртган қирраси айниқса кўп ейилиши маълум бўлди. У рельсга текканида қайроқтошга ишқалангандек чархланади.

Шундай экан, ғилдирак қиррасининг бир қисмини ҳаракатланадиган қилиб бўлмасмикан? Ўшанда у рельсга текканида рельс юзидан сирпанади ва ишқаланиш кучи ўнлаб марта камаяди. Бунда ғилдирак тайёрлаш технологиясини ўзгартириш талаб этилмайди. Эксперименталр шундай янги ғилдиракларнинг чидамлилиги 4—5 баравар кўпайишини кўрсатди. Ғилдиракларни тиклаётганда ҳам унинг бутун ишлайдиган юзидан кўра, ҳаракатланувчи қисмининга алмаштириш анча енгил тушади.

• Ҳикмат — бир ҳовуч олтин

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

● Лоқайд одамдан тўғри таёқ яхши, ожизларга юрар йўлни кўрсатар.
● Сўзнинг пишиғи, ноннинг иссиғи яхши.
● Кулсанг ҳамсоянгга, келар остонангга.
● Юртдан айрилгандан, жондан айрилган афзал.
● Нотавон кўнгил —тоштовон чориғ тилайди.
● Иззат-нафсини билган одам оёғидан тоймайди.
● Ақлсизга сўз айтсанг
Қулоғинга илмайди,
Дангасага иш айтсанг,
Ўринлатиб қилмайди.
● Калта арқон боғловга ярамайди.
● Кўп яшагандан эмас, кўп кўргандан сўра.
● Утни кавласанг ўчади,
Қуш уясини кавласанг кўчади.
● Эзгу меҳнат қилган муродига етади.
● Ошнолар тотув бўлса бош кўпаяр,
Овсинлар тотув бўлса ош кўпаяр.
● Яхши фарзанд — бел мадори,
Ёмон фарзанд — дил озори.
● Ақл кўпга етказар,
Ҳунар кўкка етказар.
● Тўнинг ямоқ бўлса ҳам, дилинг ямоқ бўлмасин.
● Эгрилик ҳосили — қабоҳат,
Тўғрилик ҳосили — саодат.
● Ёшнинг ҳурмати қарз,
Қарининг ҳурмати фарз.
● Бахил —эҳсондан, ҳасис — меҳмондан қочади.
● Сув зар бўлса, сувчи заргар.
● Иғвогарнинг ўзи ёмон,
Сассиқ, заҳар сўзи ёмон.

Филология фанлари кандидати Сиддиқ АСҚАРОВ тайёрлаган.

• Фарзандларингиз учун

БУВИМ

Юзда бувимнинг ёши,
Кўпни кечирган боши.
Ҳали ҳам бардам, тетик,
Эс-ҳушлари жойида.
Қўймиз катта-кичик
Ҳурматини жойига.
Мактабдан қайтгач ҳар кун
Салом бераман мамнун.
Мен ўқиб берсам китоб
Эркалаб сочиб силар.
— Умрингдан барака топ! —
Деб мени дуо қилар.
Уйдами ё сўрида
Ултиради тўрида.
Буюрган ҳар ишини
Бажармоққа бизлар шай.
Бизларни севишини
Мен қандай таъриф этай!
Замонадан хўп рози:
Келди даврнинг созн.
Бахтли ўғил-қизларим,—
Насиҳат қилар бизга.
—Менинг ушбу сўзларим
Бўлсин "қулоғингизда.
Билим олмоқ керак соз,
Қанча ўқисангиз оз.
Тинч турар ҳуррам замон,
Сизлар хўп яшайсизлар.
Сурасиз давру даврон,
Мендан кўп яшайсизлар.

Талъат СОЛИЕВ.

Айрим шахс —бу, инсонлар оқимидаги бир томчи. Лекин ҳар бир инсон атрофидаги кишилар билан мингларча кўринмас иплар билан боғланган. Оила, меҳнат коллективи, дўст-биродарлар, бизни атрофимиздаги кишиларнинг ютуқ ва камчиликларига баҳо берар эканмиз, ҳаммаси ҳам ҳаётда ўз ўрнларини топмаганликларига ишонч ҳосил қиламиз. Нега бундай? Бу саволга жавоб бериш учун ўзингизга қаранг, чунки биринчи галда ўз тақдирингиз сизни ташвишлантиради. Қандай ҳаёт кечираётганингизни ўйланг ва қуйидаги саволларга жавоб беришга урининг кўринг.

Мен қандай одамман? Атрофдагилар мени қандай одам деб ўйлайди? Кимлар билан яхши муносабатда бўламан? Кимлар билан чиқишолмайман? Кўлимдан нима иш келади, нима иш келмайди? Қийналишимнинг сабаблари нимада? Нималарни орзу қиламан, нималар менга ёқмайди? Етарли даражада иродалиманми? Ҳаётдан мақсадим нима? Қандай кишилар категориясига тааллуқлиман? Спортга қизиқаманми; романтик кайфиятдаманми, меланхолик, одамларга қўшилишни ёқтирмэйдиган, оптимист ёки пессимистманми?

Бу саволларга жавоб беролсангиз ўз хато ва камчиликларингиз сабабини билиб оласиз. Шундан кейин сиз балки, ўз турмуш тарзингизни ижобий томонга ўзгартиришга ҳаракат қиларсиз.

Йозеф КВАПИЛИК,
чехословак олими.

ЮЗ МАСЛАҲАТ

Чехословакиянинг спорт медицинаси ва жисмоний тарбия соҳасида таниқли мутахассиси доктор Йозеф Квапилик ёшлар ва ёши улғайган кишиларнинг ҳар томонлама ривожланиши, чиниқиши, ҳамиша яхши кайфиятда бўлиши учун жисмоний тарбиянинг аҳамияти тўғрисида ўз маслаҳатларини тўпладн. «Физкультура ва спорт» нашриётида чоп этилган «Юз маслаҳат» деган бу китобида муаллиф одамлар билан ҳамиша самимий муносабатда бўлиш, зарарли одатлардан сақланиш ҳақида, шунингдек оила ва фарзандларга меҳрибон бўлиш ҳақида фикр юритади. Қуйида муаллифнинг шу китобидан айрим қисмларни азиз оқшомхонлар диққатига ҳавола этдик.

ДЎСТЛАРИНГИЗ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИНГ

Ҳар бир киши жуда ёшлигиданоқ ўзига дўст қидиради. Сиз ҳовлингизда ёки мактабингизда ўз тенгдошларингиз билан ўйнаб юрган пайтларингизни эсланг. Жуда кўпчилик болалар ичидан сизга ёқадиган болалар ҳам бўлган. Бола пайтингизда, ёшлик чоғингизда ва катта бўлганингизда жуда кўп танишларни учратгансиз. Бунинг қанчалик мустаҳкам бўлишига турли ҳолатлар ва сизнинг шахсий сифатингиз таъсир қилади. Лекин ҳар қандай бўлганда ҳам сизнинг ҳаётингизни болиш осон бўлади.

Агар сиз дўстларингиз билан муносабатда бўлмасангиз, қувноқ йиғинларда бўлмасангиз кундалик ташвишларни эсдан чиқарадиган ажойиб дақиқаларни бой берасиз.

Саёҳат қилиш, дам олиш кунлари шаҳардан ташқари чиқиш бир ҳафта давомида чарчаган асаб қувватини тиклашга ёрдам беради. Бунда албатта, сиз ёлғиз бўлмаслигингиз, кўнглингизга ёқадиган кишилар билан бирга бўлганингиздагина эришасиз.

Одамлар билан дўстона муносабат ва умуман муносабат кишидан сабот-матонатни талаб қилади. Шунинг учун сизни ҳам тушунишларини истасангиз, бошқаларни тушунишга ҳаракат қилинг. Сиз уларнинг яхши муносабатда бўлишларини истасангиз, шафқатли бўлинг. Сизга ҳамдард бўлишларини истасангиз, дўстингизнинг истак ва қийинчиликларига эътибор қилинг.

Дўстни қандай танлаш керак? Бу саволга бир сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Лекин ҳар қандай бўлса ҳам, киши софдил, ишончи қатъий, сўзида турадиган, ҳал қилувчи пайтларда панд бермайдиган кишилар билан бўлишга интилади.

Дўстларимиз билан ўтказилган вақтни бекорга ўтказдим деб ўйламанг. Дўстлик — бу авайлаб эҳтиёт қилинадиган бебаҳо нарсадир.

В. ЙЎЛДОШЕВ
тайёрлаган.

Бахтли болалик.

Х. Мирзакаримов фотоэтюди.

• Билиб қўйган яхши

Зарарли ҳашаротларни йўқотинг

Уйда, хўжаликларда, шунингдек ишхоналарда зарарли ҳашаротларнинг макон топишга йўл қўймаслик учун саноат миқёсида чиқарилаётган химиявий препаратлар билан бир қаторда, инсон саломатлигига мутлақ безарар амаллардан ҳам тадбиркорлик билан фойдаланиш мумкин.

ЧИВИННИНГ ДОДИНИ БЕРАДИ

Маълумки, чивин қонхўрлиги, тажовузкорлиги, шунингдек энг хавфли хасталиклардан бўлмиш ёмон жароҳат (пендинская язва) ва безгак каби офатларнинг манбаи ҳисобланади. Хонада чивин макон қурмаслиги учун аввало хона гулларини ниҳоятда бўктириб сув бермаслик, уйнинг зах тортишига йўл қўймаслик зарур. Иложи борича ҳовли ва ертўлаларда сув кўлмаклари бўлмаслигига ҳаракат қилиш керак. Мабодо димланган сувлар ёки кўлмакларни йўқотишнинг иложи бўлмаса, вақти-вақти билан у сувларга бир оз миқдорда (бир қошиқдан тортиб бир стаканча) солярка ёки керосин сепилиши яхши натижа беради. Мабодо хоналарга чивин кирадиган бўлса, қуйидаги жўн амал билан уларни қириб юбориш мумкин. Бунинг учун хонага қиздирилган това киритилиб, унинг устига оз миқдорда камфора ташланса (аптекаларда бўлади), унинг ҳидидан чивинлардан асар ҳам қолмайди.

Айрим ҳолларда одам очиқ ҳавода ётишига тўғри келади. Бундай пайтларда чивинлардан муҳофазаланишда «Қизил юлдуз» («Красная звезда» — Вьетнам маҳсулоти) мой-суртмасидан фойдаланиш мумкин. Бирорта полиэтилен парчасига «Қизил юлдуз» суртмасини «ялатиб» қўйилади-да, уйқуга ётишдан олдин ён-атрофга қўйилади.

СУВАРАК КУШАНДАСИ

Суварак жуда тез кўпаядиган, айни бир вақтнинг ўзида инсон саломатлигини таҳликага солиб турадиган ҳашарот. Сувараклар асосан овқат қолдиқлари, қоғоз, тери ва бошқа нарсаларни еб кун кўради. Турқи совуқ бу ҳашаротлар энг хавфли хасталикларидан бўлмиш ичбуруғ, сариқ касалликларини юқтириши мумкин. Шу боисдан ҳам сувараклар ни йўқотиш зарур. Биз уларни бир қатор химиявий препаратлар билан ҳам қиришимиз мумкин, бироқ ҳозирда энг жўн амал билан таништириб ўтмоқчимиз. Ҳозирда саноат қўламида чиқарилиб туриладиган мойчечак гулининг кукунлари мана шу жониворларни нақ қийратадиган табиий омиллардан иборат. Бунинг учун кичик босқонча воситасида ҳар квадрат метр (ярим бўйра) жойга 20 грамм миқдорда мойчечак кукуни пуркалиши лозим бўлади.

Шуни эслатиш керакки, мойчечак гулининг сақланиш муддатига эътибор беришингиз зарур: уни сақланиш муддати олти ойдан ошмаслиги керак.

Доно ХЎЖАЕВА,
доришунос.

• Саёҳат—роҳат

ТАРИХ ВА БУГУНГИ КУН

Шаҳар экскурсия бюроси Ўзбекистон пойтахти меҳмонлари ва аҳолисига ўнлаб янги маршрутларни таклиф қилмоқда. Бу маршрутлар Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига тайёргарлик плани асосида тузилган.

Маршрутлардан бири дастлабки марксистик тўгараклар тузиш, революцион ҳаракатни ривожланиши ва республика Компартиясининг барпо этилиши билан боғлиқ жойлар орқали ўтади. Маршрутлардан иккинчиси шаҳар индустрияси тўғрисида кўпгина қизиқарли нарсаларни билиб олиш имконини беради. «Уларнинг жасорати йўлимизни ҳамиша ёритиб туради» деган маршрут тошкентликлар Улуғ Ватан урушидаги ғалабага қўшган ҳиссага бағишланган. Экскурсиячилар зилзила оқибатларини тугатишда мамлакатдаги иттифоқдош республикалар тошкентликларга кўрсатган қардошлик ёрдамини, шаҳар меҳнаткашлари экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришган муваффақиятларни ҳам билиб оладилар. (ЎЗТАГ).

• Иззатингдан айрилма

УМР ЗАВОЛИ

Тўсатдан Хадича бувиларникида шов-шув кўтарилиб қолди. Нима гаплигига тушунмай ҳайрон бўлдик.

— Собит яна ичиб келганга ўхшайди.

Собитжон дегани Хадича аянинг яккаю-ягона ўғли. Келини Зуҳрахон ҳам мулойим, оёққўли чаққон аёлардан. Собитжон ҳам одамшаванда, ақлли-ҳушли йигит эди. Ичкиликка ружу қўйиб, одамгарчиликдан чиқай деяпти.

— Ичмаса бинойидек йигит,—дейди қўшнилари,—ичиб келдими, бўлди, нақ қирғинбарот бошланиб кетади. Оғзидан оқ кириб, қора чиқади. На каттани билади, на кичикни. Бу онам экан-ку, бу хотиним-ку демайди.

Наҳотки Собитжон отасининг ким бўлганини унутган бўлса? Унинг отаси Жалолхон милисани билмайдиган одам жуда кам эди. Хушфеъл, мард, яхши одам эди. Жалолхон милисани Собитжон туғилган йили пиёниста безорилар пичоқлаб кетишди. Отаси вафот этгач, Хадича ая Собитжонни не-не машаққатлар билан ўстирганини билмаса?!

Шов-шув ҳадеганда тинавермагач, катта-кичик қўни-қўшнилар чиқиб Собитжонни койидик, насиҳат қилдик, хулласи тинчитдик.

Орадан уч-тўрт ой ўтди. Хадича аянинг уйида ҳамон шу аҳвол. Собитжон ичкилик ичишни канда қилмасди.

Хадича аянинг уйларига чиқиб, у ёқ бу ёқдан гаплашиб узоқ ўтириб қолдим. Келини Зуҳрахон жуда эпчил жувонда. Кундузи кир ювган экан, бир пасда дазмоллаб ҳам олди. Бир нафасда ошни ҳам сузиб келди. Ошга қачон уннаганини ҳам билмай қолибман. Ҳангомалашиб ўтириб ошни едик. Зуҳранинг тўрт яшар ўғли Тўлқинжон боғчада ўрганиб келган шеърларини айтиб берди, ғалати қилиқлар қилиб роса кулдирди.

Шу пайт кўчадан маст одамнинг хиргойиси эшитилди.

Маст бўлмай найлайин ман,
Масканим майхонада...

Ёнгинамда қувноқ ўтирган Тўлқинжоннинг ранги қув ўчиб кетди.

— Адам, адам телвотилар,— деди-да, сакраб туриб қочди. Шошганидан ўрик тагида турган човгумни ағдариб юборди.

— Бола шўрлик юрагини олдириб қўйибди, —деди Хадича ая неварасига ачиниб. Кейин ўғлидан койина бошлади. —Адои тамом қиладиган бўлди мени бу бола...

Хадича аянинг ҳозиргина кулиб турган чехраси тундлашди, ажинлар қуюқлашди.

Собитжон бу гал ҳам ишдан маст бўлиб қайтган эди. У кўча эшикдан гандираклаб зўрға кириб келди-да, тўғри супа лабига борди, обдон ўқчиди, кейин чўккалаб келиб човгумга қўл узатди. У бўш эди. Собитжон чўкка тушган жойида човгумни бир айлантириди-да, улоқтирди. Човгум учиб келиб биз ўтирган супа ёнига тушиб пачоқ бўлди.

— Ҳай Зуҳра, неча марта айтаман сенга, яхна чой қилиб қўй деб аблаҳ!..

Ёнимизда кичкинтойини эмизиб ўтирган Зуҳрахоннинг ҳам ранги «қув» ўчди, қўллари қалтиради, лекин тишини тишига қўйганича жим ўтираверди.

— Қилиғинг қурсин сени, номусга ўлдирдинг-ку! —деди Хадича ая ўғлини қойиб,—Қариган чоғимда бу яна нима жазо менга? Арзимаган нарсагаям ота ғўри қозихонами? Қулоғим тинчийдими-йўқми? Қаерда юта қолдинг бу зормандани?

— Маст эмасман, ойижон, —деди Собитжон ишшайиб. — Оғайниларим қўймади. Қиттайгина...

Собитжон онасининг гапига қулоқ солмай, яна хотинига ўшқира кетди!

— Сенга айтяапман, нега сув солиб қўймадинг човгумга?

— Ҳозиргина ўғлингиз сиздан кўрқиб тўкиб юборди.

— Тўккан бўлса яна солиш қийинми? Нима, қўлингга чипқон чиққанми?

Шунда ҳам Зуҳрахон унга ширин гапириб қўлига сув қуйди, сочиқ тутди, қизил лаганда лоладек паловни сузиб келди.

— Иситилган ошга қолдими куним?— Собитжон гандираклаб ошхонага, Зуҳрахоннинг тепасига борди. —Эрталабдан кечгача ишлаб келиб ҳам овқатни иссиғида емас эканманда...

У хотинини гурсиллатиб урар, тепкилар эди. Ҳаммамиз елиб-югуришиб Зуҳрахонни Собитнинг «чангали»дан зўрға қутқариб олдик. У тўлиб-тўлиб йиғларди:

— Шунча чидадим, нима десалар қилдим. Ишдан бўшатиб ҳам олдилар. «Ҳай, майли, орамизга совуқчилик тушмасин», дедим. Бўлмади. Улар бўлсам, ўлиб бўлдим, энди чидолмайман бу хўрликларга!... Кетаман, иккита экану, ўнта болам бўлса ҳам ўзим боқиб оламан.

Зуҳрахон шундай деди-ю, уйга кириб апил-тапил кийинди. Бир сидра кийим-кечагини тугди. Кўчадан қайтиб келиб, кўзини мўлтиллатиб бу можарони кузатиб турган ўғлини ҳам кийинтирди-да, қайнонаси билан хайрлашди:

— Хайр, ойижон, ўрин-кўрпаларни кейинчалик олиб кетарман, — деди Зуҳрахон ва кичик ўғлини кўтариб. Тўлқинжонни эргаштириб, бир қўлида тугун билан чиқиб кетди...

Бир ҳисобда Зуҳрахон тўғри иш қилди. Шунинг учун ҳам ҳеч қайсимиз тўхтатмадик.

— Бу ғурбатхонада қолиб нима ҳам қилади? Майли, борсин, ҳаётда ўз йўлини топиб олсин... — деди қайнонаси.

Оқибат бундай бўлишини кутмаган Собитжоннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У хотини ва болалари орқасидан бир-икки қадам қўйди, нимадир демоқчи бўлиб оғзини жуфтлади-ю, ҳеч нима деёлмади. Бўзрайганича хотинининг орқасидан қараб қолди.

Тунов куни Ҳадича аяни кўчада учратиб қолдим. Зуҳрахонни сўрадим. Яқинда келинини кўчада учратганини айтди. «Невараларимни соғинаман. Уйига бориб келай десам Собитжонингиз қурғур юбормайди. «Мени ўғлим десангиз, келинингизнинг олдига бормайсиз», дейди. Юзимга оёқ қўйиб чиқди-кетди, маҳалладаги олдида обрўйимни тўкди», — дейди. Айб ўзидалигини сира тан олгиси келмайди. Ҳалиям ўша-ўша, ичиб келади. Келинимниям, невараларимниям соғинаман, кўргим келади. Нима қилай, соғинсам кўзимга кучим етади — йиғлайман, ичкилик ўлгурни қарғайман. Ҳа, ичкиликни қарғайман. Ўғлимни бахтсиз қилган — шу ичкилик, ойдек хотинидан, суқсурдай болаларидан айириб қўйган ҳам шу ичкилик. Азбароғи соғинганимдан келинимнинг йўлини пойлайман. Тунов куни ишдан келадиган пайтини пойлаб йўлига чиқиб турдим. Зуҳрахон ўша аввал ишлаган фабрикасида ишлаяпти. Кичкинтойини яслидан олиб кетаётган экан. Болагинам маҳкам бўйнимга осилиб олса-я. Таниди-я. Тили чиқиб қолибди. «Буви, бувижон!» дейди. «Тез уйга юрасиз, олиб кетаман», деб ёпишдим, Зуҳрахон кўнмади.

— Йўқ, ойижон, у уйга бормайман, деди зорланиб.—Сизни жуда ҳурмат қиламан. Сиз қийинчиликни кўп кўргансиз, бунинг устига устак, ўғлингиздан куйгансиз. Сизни ёлғизлатиб кетиш мендан лозим эмас эди, биламан. Лекин қандоқ қилай? Бошқа иложим қолмади. Невараларинги зни соғинсангиз тез-тез келиб туринг.

— Гап фақат ичкиликда эмас, — дедим Ҳадича аяни ранжитмаслик учун сўз излаб. —Ҳаммаси одамнинг ўзида қолган. Қолаверса, сиздан ҳам хато ўтган. Уйдаги гапни кўчага олиб чиқмай деб, қўни-қўшнидан яширгансиз. Собитжон бўлса бора-бора ичкиликка ружу қўйган. Мана оқибати. Эндиям яшрадиган бўлсангиз, яхшилик чиқмайди. Идорасига хабар қилиш керак. У ерда ўртоқлари ўртага олади, танбинни тортиб қўяди... Собитжоннинг бахти ўз қўлида: оиласидан ажралиб қоладими, ё қайтариб келтирадими, бу ўзида қолган. Гулдек умрининг қора заволи — арақдан кечсин. Бу унинг иродасига боғлиқ.

Холида АҲРОРОВА.

«ТАШКЕНТГОРТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ»
БИРЛАШМАСИНИНГ

ТРАНСПОРТ АГЕНТЛИКЛАРИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

АГАРДА СИЗ ЎЗИНГИЗ УЧУН ХУСУСИЙ УЙ ҚУРАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ, БАРЧА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ЕНИНГИЗДА МУҲАЙЯ БЎЛСА, БИНОНИНГ ҚАДДИ ТЕЗ КЎТАРИЛАДИ.

ТРАНСПОРТ ЭКСПЕДИЦИЯ АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ БАРЧА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ СИЗНИНГ БУНЕД ЭТИЛАЁТГАН УЧАСТКАНГИЗГА ТЕЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШАДИ:
— цемент, ёғоч, тунука,
— шифер, ойна, металли қувурлар,
— газ колонкаси, газ плитаси,
— ДВП, ДСП, дераза ва эшик блоклари, кафель ва кошинлар.

Агентликлар қурилиш материалларини ортиш ва тушириш бўйича барча хизмат комплексини ўзлари бажариб беришади.

Қурилиш материалларини ташиб бериш юзасидан ёғоч савдоси базаларидаги транспорт агентлигининг қабул пунктларида буюртма бериш мумкин.

ТРАНСПОРТ АГЕНТЛИГИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Бу сизнинг қимматли вақтингизни тежайди, машаққатли ишлардан халос этади ва ускуналарни тезда етказиб беришни кафолатлайди!

«ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» БОШҚАРМАСИНИНГ РЕКЛАМА ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
228-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—1985 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТИКУВЧИ-МОТОРИСТЛАР, ТИКУВЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-СОЗЛОВЧИЛАР, БЎЁҚЧИЛАР.
Ўқиш муддати — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТ ЛИ 15 ЁШ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга 3 йиллик группаларга қабул қилинганлар кийим-кечак, 3 маҳал иссиқ овқат, ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош билан таъминланадилар ва танлаган мутахассисликлари бўйича диплом ва тўлиқ ўрта маълумот оладилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишни аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга ўрта ва олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттиришлари учун йўлланма берилади.

Билим юртида ҳар хил тўгараклар: спорт тўгараги, фото тўгарак, халқ чолғу ансамбли ва вокал-чолғу ансамблари ташкил этилган.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, соғлиғи тўғрисидаги справка, турар жойидан справка, 6 дона 3 х 4 см. ҳажмдаги фотосурат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт.

ҲУЖЖАТЛАР ЭРТАЛАБ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Собир Раҳимов кўчаси 313-уй (2, 7-троллейбуслар ва 107, 108, 125-автобусларнинг «Красноармейская кўчаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИГА
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Билим юрти шаҳар қурилишларида ишлаш учун қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, СУВОҚЧИ-БУЁҚЧИ, БЎЁҚЧИ, ДУРАДГОР, АВТОСЛЕСАРЬ.
Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.
Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН ЮҚОРИ ЕШДАГИ 8-10 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади. Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш даврида иш ҳақининг 50 процент билан таъминланадилар.

10 синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар. Совет Армиясини битириб келганлар 60 сўм стипендия оладилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга «Ташпромстрой» бошқармасига йўлланма берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан соат 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй. Телефон 64-18-41. (17-автобуснинг «12-турар жой шаҳарчаси; 13-трамвайнинг 2-«Шимолий-Шарқ» бекатлари).

Тошкент шаҳар социал таъминот бўлимининг
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: **прийёмник ва телевизорларни ремонт қилувчи механик, пойафзалчи, секретарь-машинистка, тикувчи, халқ хўжалиги тармоқларида ва социал таъминот соҳасида ишлаш учун бухгалтер, тўқувчи.**

ЎҚИШ МУДДАТИ —10 ОЙ.

Ўқишга ёши 16 дан 45 гача бўлган инвалидлар, шунингдек ёши 16 дан 20 гача бўлган инвалидларнинг фарзандлари ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг шу ёшдаги аъзолари қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар (30 сўм).

Аризаларга қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топшириш лозим: маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, шаҳар ёки район социал таъминот бўлимининг йўлланмаси, соғлиғи ҳақидаги справка (286-форма, инвалидлар ВТЭК справкасига меҳнат тавсияномасини илова қиладилар). 2 дона фотосурат

Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланмайди.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ўқчи кўчаси, 107-а уй, 5-корпус, Пеньков кўчаси (2, 7, 14-троллейбусларнинг «76-мактаб» бекати, метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси.

МАКТАБГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАМИЗ

КАЛЕНДАРДА ЕЗ ФАСЛИНИНГ СЎНГГИ ОЙИ —АВГУСТ. МАКТАБ ҲАҚИДА ТАРАДДУД КЎРАДИГАН ЭНГ ҚИЗҒИН ПАЛЛА.

Сизнинг фарзандларингиз ёзги каникулда ўсишди, яна улғайишди, албатта энди уларга янги мактаб формаси жуда ҳам керак.

СИЗ «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДА ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР УЧУН МАКТАБ ФОРМАСИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
1—Ш. Руставели кўчаси, 13-уй;
36—Новомосковская кўчаси, 18-уй;
28— Госпитал бозори;
37—Марказ-14 квартали, 1/2 уй;
39— Партия XXIII съезди кўчаси, 22-уй;
46— Куйбишев шоссеси.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-72-42).

СОАТ ВАҚТНИ ТЕЖАЙДИ

МОСКВАДАГИ 2-СОАТСОЗЛИК ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН «СЛАВА» МАРКАЛИ МЕХАНИК ВА КВАРЦЛИ ҚЎЛ СОАТЛАРИ ҲАР БИР КИШИНИНГ ВАҚТИНИ ТЕЖАШДА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Бу соатлар тўртбурчакли, квадратли, элипссимон, корпуси хромланган ва олтин суви югуртирилган, билакузукли ва билакузуксиз бу соатлар анъанавий гўзал, ишончли, аниқ юрадиган замонавий безакли қилиб чиқарилмоқда.

«СЛАВА» циферблатлари — оқ ёки рангли, рақамли ёки стрелкали индикацияда тайёрланяпти. Бу соатларнинг орасида шундай намуналари ҳам борки, улар вақтдан ташқари ой ва ҳафтанинг қайси куни бўлганлигини ҳам кўрсатиб туради.

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ
ЗАРГАРЛИК МАГАЗИНЛАРИДАН

«СЛАВА» ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР СОАТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:
1— «ЗУМРАД»— Т. Шевченко кўчаси, 31-уй;
2— «РУБИН»— Б. Хмельницкий кўчаси, 56-уй.
13—Навоий кўчаси, 1-уй;
27—В. И. Ленин номли проспект, 40-уй;
41—Биринчи Май кўчаси. Марказ—1 «Б» квартали.

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 32-29-70).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27 (25).

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

«МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН БОЙ АССОРТИМЕНТДАГИ

МЕБЕЛЛАР СОТУВГА ҚУЙИЛДИ

Ётоқ учун мебеллар термаси бир ва икки ўринли каравотлар, бир ва икки ўринли тахталар, меҳмонхона мебеллари термаси, «Берестье», «Салют», «Вильнюс-2», «Тошкент-2000» корпусли мебеллар термаси, кўйлак ва ич кийимлар учун шкафлар, болалар каравоти, «Юность» болалар термаси:
Хива гиламдўзлик комбинатининг гиламлари.

МАГАЗИНДА МЕБЕЛЛАРНИ КРЕДИТГА СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

Адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 8-квартал, 39-уй. (25, 28, 29-трамвайларнинг; 24, 51, 60, 72, 91-автобусларнинг «Юнусобод колхоз бозори» бекати).

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БОШҚАРМАСИ
ПУЛЛИҚ КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларда халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун министрликлар, идоралар, корхоналар ва алоҳида шаҳслардан ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда бухгалтерлар тайёрланади ва малакаси оширилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари группалари учун ўқиш муддати — 10 ой.

Қолган группалар учун — 6,5 ой (қурилиш, саноат, савдо); **курсларда электрон фактурали ва бухгалтерия машиналари базасида операторлар, лойиҳаловчилар, механиклар микрокалькуляторлар бўйича механиклар тайёрланади.**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ОЙДАН 5 ОЙГАЧА.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚАРАБ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 42-уй. (1, 17, 24-автобусларнинг; 17, 18-троллейбусларнинг «ЦСУ» бекати). Телефонлар: 66-32-39, 66-15-30.

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

ТЕЛЕВИЗОР БИЛАН САФАРГА БОРАСИЗМИ?

БУ ГАПДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ СИРЛИ МАЪНО ЙЎҚ! «ЭЛЕКТРОНИКА Ц-432» рангли ва оқ-қора тасвирли телевизион кўрсатувларни фақатгина уйда эмас, балки табиатнинг сўлим қучоғида ва хатто автомобилнинг ичида ҳам бемалол ва тиниқ кўриш мумкин.

Унинг ҳажми ва оғирлиги ихчам бўлганлиги, электр қуввати олиши такомиллашганлиги туфайли йўлда юкингизни оғир қилмайди. Бу телевизорнинг баҳоси — 380 сўм.



Телевизорларни текшириш ва созлаш (рангли ва оқ-қора тасвирдаги телевизорлар) учун кўтариб юриладиган кўчма «Сигналлар генератори ГИС—01Т» прибори жуда ҳам қулайдир. У антенналар уясига уланади ва сигналлар кўрсата бошлайди: шахмат майдони, тўрли майдон, оппоқ майдон, йўл-йўл ҳошиялар ва бошқалар.

Прибор 220В электр тармоғидан қувват олиб ишлайверади. Сарфлайдиган қуввати 7 ВА тармоғидан озуқаланади. Баҳоси 60 сўм 90 тийин.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй, Марказ —1 квартали (2, 3, 4, 13, 25, 27-трамвайларнинг «Куйбишев райисполкоми» бекати).

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ (телефон 33-78-34).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТВ — ШАЙШАНБА

9 АВГУСТ

● МТ I

18.10 «О, Мария...» СССР халқ артисти М. Биешу иштирокида фильм-концерт премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультипликацион фильм.
19.50 «Фан ва турмуш».
20.20 «ТАСС вакил қилинган...» Ўн серияли телевизион бадиий фильм премьераси 9-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Джаз панорамаси». 4-кўрсатув.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Сибирь ҳақида ҳикоялар. «Тайга». Ҳужжатли фильм.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Сен билан бизнинг қонимиз бир». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.00 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.30 РСФСР халқ артисти В. Третьяков концерти (скрипка).
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.05 «Ўйин». Телевизион бадиий фильм (Польша).
22.55 «Олейниковлар». Соликамск шаҳар ҳаваскор рассомларнинг ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
23.05 Д. Кабалевский. О. Туманян шеърларига ёзган 8 та романс.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ҳаммаси рақсга айланади». Фильм-балет.
19.10 «Нон илми».
19.30 «Ахборот» (рус.)
19.45 «Карел Готт куйлайди». Фильм-концерт.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлаганда...» Концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Инсон ва замин». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун программа.
23.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Шоирлар—болаларга».
18.45 «Инсонни ардоқланг». Бадиий фильм. 1-серия.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
20.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
21.00 «Харидор ва бозор».
21.30 МТ II

ЖУМА

10 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади.
10.40 «Ўртоқ парткомда». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.00 «ТАСС вакил қилинган...» Ўн серияли телевизион бадиий фильм. 9-серия.
12.10 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Раислик корпуси». Ҳужжатли фильм премьераси.
16.15 «Рус тили».
16.50 Болалар учун фильм. «Ҳақиқий карнайчи эди».
17.55 «Эквадор — экватордаги мамлакат». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
18.25 Нина Висотина куйлайди.
18.50 «Ер ости бойликларига». Илмий оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультипликацион фильм.
19.50 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал.
20.20 «ТАСС вакил қилинган...» Ўн серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ильинский Зошченко ҳақида». Фильм-концерт.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «Денгиз бўйидаги қушиқлар». Болгариядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Қозоғистон ССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
9.50 «Ўйин». Телевизион бадиий фильм.
10.40 Мультипликацион фильмлар.
11.10 «Қушиқларимиз, парвоз эт». РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. С. Попов раҳбарлигидаги МТ ва БРнинг болалар Катта хори иштирокида концерт.
11.55 «Академик С. В. Обручев».
12.40 «Полк ўғли». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.45 «Биз БАМни қуряпмиз».
14.15 «Урал эртакчиси». П. П. Бажов ҳаёти ва ижоди ҳақида.
15.10 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
15.40 «Сирли воқеа». М. Равелнинг «Болажон ва сеҳргарлик» операси мотивлари асосида тайёрланган болалар учун музикали спектакль премьераси. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
16.35 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Театр ва замон». 25 йил ўтгач». Кўрсатувни РСФСР халқ артистлари Е. Лазарев ва А. Ромашин олиб боради.
20.10 «Денгизга чиқамиз» Ўсмирларнинг «Варяг» ҳарбий-денгиз лагери ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Оловли касб кишилари». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
21.30 «Время».
22.05 «Ольшанский қора қалъаси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1- ва 2-серия.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Икки заранг дарахти».
11.05 «Парижга йўл». Телефильм.
11.30 «Хайр, каптарлар». Бадиий фильм.
13.05 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Беш кунликни тўрт кунда бажарамиз». Қурувчилар кунига бағишланган кинопрограмма.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Маккажўхори — ҳам дон, ҳам озуқа».
19.55 «Чин ва ёлғон зиёратгоҳлар».
20.30 «Ахборот».
20.50 Наманган область театри солистлари, ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар Т. Саъдуллаев ва Ў. Нуралиев концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Ойнадан ўпкалама».
22.25 А. Арбузов. «Ғолиб». Свердловск академик драма театрининг спектакли.

ТЕАТР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ИНТЕРЦИРК-84» чет эл цирк артистларининг гастроллари (19.30).

КИНО

9 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«БАДБАШАРА ТОМ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 76-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69). **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).
«СЕНИНГ МУҲАББАТИНГ» — **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92)
«ТРЮКЧИ» — **Москва** (18.30, 21.00, телефон 33-05-01).
«СОЯБОН ЗАРБИ» — **Хива** (21.45, телефон 32-78-02).

10 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«БАДБАШАРА ТОМ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 76-06-20). **Хива** (21.45, телефон 32-78-02).
«ТРЮКЧИ» — **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 33-05-01).
«ЭРТАНГИ КУН ЖАДВАЛИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
ҲАВО ЙЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ ПОЧТА ТАШИШ ТОШКЕНТ БЎЛИНМАСИ
Тошкент газета-журнал экспедициясида ишлаш учун
СМЕНАЛИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
матбуот, ёзма корреспонденцияларни сараловчилар; матбуот операторлари, инженер-электриклар; инженер-механиклар; электромеханиклар, бўёқчилар, электргаз пайвандчилар, токарь.
Иш режими — соат 9 дан 21.00 гача ва соат 21 дан 9.00 гача.
Меҳнат ҳақи — мукофотли-прогрессивкали.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 12-уй (Я. М. Свердлов номли концерт зали ёнида). Телефонлар: 33-70-09, 33-40-71.

СИРДАРЕ РЕФРИЖЕРАТОРЛИ ВАГОН ДЕПОСИГА
барча ихтисослардаги слесарлар, 3-5 разрядли сувоқчи-бўёқчилар, газ-электр пайвандчилар, ҳаракатдаги составда ишлаш учун рефрижераторли секцияларнинг бошлиқлари
КЕРАК
Депо ходимлари темирйўлчиларга белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, узоқ йиллар ишлаганлиги учун қўшимча ҳақ тўланади. Депо цехларида ишлайдиган ишчиларга 2—3 йил мобайнида квартира берилади.
Мурожаат учун адрес: Сирдарё шаҳри.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР
Район автодормехбазалари маиший чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетмаган ҳолларда «Автодормехбаза» трестининг Марказий диспетчерлик хизматига **қуйидаги телефон номерлари бўйича хабар қилишингизни сўраймиз: 66-29-25, 66-18-71, 66-18-08.**

Чимкент область, Туркистон районидаги 10-ўрта мактаб томонидан **Ҳасанов Носир Мусеревич** номига берилган 491512 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар Советининг депутати, Ўзбекистон ССР Госнаби райсининг ўрин босари
Жовдат Рафиатович ҲАМИДОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекфильм» киностудияси коллективи киностудия ходими
Маҳамаджон ТУРДИЕВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
9 АВГУСТ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—13863. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12